

**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР**  
4 ЖИЛД, 4 СОН

---

**ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ**  
ТОМ 4, НОМЕР 4

---

**INNOVATIONS IN ECONOMY**  
VOLUME 4, ISSUE 4



**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР  
ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ | INNOVATIONS IN ECONOMY**

№4 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2021-4>

**Бош муҳаррир:  
Главный редактор:  
Chief Editor:**

**Гулямов Сайдахрар Саидахмедович**  
Академик

**Бош муҳаррир ўринбосари:  
Заместитель главного редактора:  
Deputy Chief Editor:**

**Вохидова Мехри Хасановна**  
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа  
доктори

**"Иқтисодиётда инновация" журнали тахририй маслаҳат кенгаши  
Международный редакционный совет журнала "Инновация в экономике"  
International Editorial Board of the Journal of Innovation in Economics**

**08.00.01 - Иқтисодиёт назарияси /Экономическая теория / Economic theory**

**Назаров Ш.Х.** - и.ф.д.  
**Гафуров У.В.** - и.ф.д., профессор  
**Мустафакулов Ш. И.** - и.ф.д., доцент  
**Сайфуллаева М.**  
**Маматкулов И.А.**

**Nanuli Khizanishvili** - Doctor of Economic Sciences, Tbilisi Iv. Javakhishvili State University. Faculty of Economics  
**Екатерина Геннадьевна Господарик** к.э.н., доцент, заведующая кафедрой аналитической экономики и эконометрики экономического факультета БГУ

**08.00.02-Макроиқтисодиёт / Макроэкономика / Macroeconomics**

**Салимов Б. Т.** - и.ф.д., профессор,  
**Назаров Ш. Х.** - и.ф.д.  
**Худойкулов С. К.** - и.ф.н. доцент,  
**Валиев Б.** - PhD.  
**Сафарова Н.Н.**

**Зубиташвили Тамар** - доктор туристических наук, Телавский государственный университет, Грузия

**08.00.07-Молия. Бухгалтерия ҳисоби. / Финансы. Бухгалтерский учет/ Finance. Accounting**

**Жиянова Н.Э.** - и.ф.н., доц.

**08.00.09-Жаҳон иқтисодиёти / Мировая экономика / World economy**

**Мурадова Х.М.** - и.ф.д., профессор  
**Шарифхўжаев Ш.О.** - и.ф.д.

**Сардор Азам** - и.ф.д.  
**Вохидова М.Х.** - PhD.

**08.00.10-Демография. Меҳнат иқтисодиёти / Демография. Экономика труда /  
Demography. Labor Economics. 08.00.13-Менежмент / Менеджмент / Management**

**Гулямов С.С.** - академик  
**Умурзаков Б.Х.** - и.ф.д., профессор,  
**Каршиев М.Э.**

**Маматкулов И.**  
**Ғойипназаров С.Б.** - PhD  
**Кадирова З.А.** - PhD

**Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

<b>1. Islamova Dilobar, Yoqubov Shukurillo, Abduvohidov Xolidbek</b> DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP DURING A PANDEMIC.....	4
<b>2. Abdullaeva Alomatkhon</b> FACTORS THAT CONTRIBUTE TO THE OCCURRENCE OF RISKS.....	12
<b>3. Askarova Mavluda</b> THE NEED TO ENSURE INCLUSIVE ECONOMIC GROWTH OF THE COUNTRY.....	20
<b>4. Jamolov Jurabek</b> IMPROVING METHODOLOGICAL APPROACHES IN THE IMPLEMENTATION OF GROSS REGIONAL PRODUCT.....	26
<b>5. Mahammadiev Maqsud</b> METHODOLOGY FOR CREATING A DATABASE TO ASSESS THE EFFICIENCY OF THE LABOR MARKET IN THE DIGITAL ECONOMY.....	33
<b>6. Parpieva Ra'no, Norboyeva Nafisa, Turayeva Adiba</b> IMPROVING THE EFFICIENCY OF USING INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN THE BANKING SYSTEM.....	41
<b>7. Ibragimova Madina</b> STRUCTURE AND CLASSIFICATION OF EDUCATIONAL TOURISM SERVICES.....	47
<b>8. Muminova Masuda</b> ANALYSIS OF THE CURRENT STATE OF ACTIVE AND PASSIVE OPERATIONS IN COMMERCIAL BANKS.....	55
<b>9. Saydalieva Go'zal</b> WAYS OF EFFICIENT USE OF AGRICULTURAL LAND.....	64
<b>10. Mannonova Shoxida</b> DEVELOPMENT TENDENCIES OF THE DIGITAL ECONOMY.....	70
<b>11. Makhmudov Sukhrob</b> REGIONAL DISPARITIES IN THE CONTEXT OF THE PANDEMIC.....	76
<b>12. Baymirzaev Dilmurod, Khoshimova Nazira</b> WAYS TO MINIMIZE YIELD RISKS BASED ON THE DIVERSIFICATION OF PRODUCTION IN FARMS.....	86

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

**Баймирзаев Дилмурод Нематович**

Наманган давлат университети, катта ўқитувчи

e-mail: dilnazdon@mail.ru,


**Хошимова Назира Хакимжановна**

Наманган муҳандислик-технология институти, ассистент

e-mail: dilnazdon@gmail.com

## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ АСОСИДА ҲОСИЛДОРЛИК ХАТАРИНИ МИНИМАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**For citation:** Baymirzaev Dilmurod Nematovich & Khoshimova Nazira Hakimjanovna. WAYS TO MINIMIZE YIELD RISKS BASED ON THE DIVERSIFICATION OF PRODUCTION IN FARMS. Journal of innovations in economy. 2021. Vol. 4, Issue 4. pp. 86-93

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2021-4-12>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш асосида ҳосилдорлик хатарини минималлаштириш билан боғлиқ масалалар ўрин олган. Фермер хўжаликларида ҳосилдорлик хатари тавсифланган ҳамда миқдорий баҳоланган. Ҳосилдорликка таъсир этувчи омиллар таҳлил этилган. Пахта ва буғдой каби қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ўртасидаги корреляцион боғланиш аниқланган ва гуруҳлаштирилган. Фермер хўжаликларида хатарлар таъсирини минималлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** фермер хўжалиги, хатар, хатарларни бошқариш, ишлаб чиқариш хатари, ҳосилдорлик хатари, бозор хатари, корреляция.

**Baymirzaev Dilmurod Nematovich**  
Namangan State University, Senior Lecturer,  
**Khoshimova Nazira Hakimjanovna**  
Namangan Institute of Engineering  
and Technology, Assistant Professor

## WAYS TO MINIMIZE YIELD RISKS BASED ON THE DIVERSIFICATION OF PRODUCTION IN FARMS

### ABSTRACT

The article deals with the issues of minimizing yield risks based on the diversification of production in farms. Crop yield risks in farms are described and quantified. The factors affecting the yield were analyzed. The correlation between the yield of agricultural crops, such as cotton and wheat, is determined and grouped. Proposals have been developed to minimize the impact of risks on farms.

**Keywords:** agriculture, risks, risk management, production risks, productivity risks, market risks, correlation.

**Баймирзаев Дилмурод Нематович**  
Наманганский государственный университет, старший преподаватель,  
**Хошимова Назира Хакимжановна**  
Наманганский инженерно-технологический институт, ассистент

## ПУТИ МИНИМИЗАЦИИ РИСКОВ УРОЖАЙНОСТИ НА ОСНОВЕ ДИВЕРСИФИКАЦИИ ПРОИЗВОДСТВА В ФЕРМЕРСКИХ ХОЗЯЙСТВАХ

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы, связанные с минимизацией рисков урожайности на основе диверсификации производства в фермерских хозяйствах. Описаны и количественно оценены риски урожайности в фермерских хозяйствах. Были проанализированы факторы, влияющие на урожайность. Определена и сгруппирована корреляционная связь между урожайностью сельскохозяйственных культур, таких как хлопок и пшеница. Разработаны предложения по минимизации влияния рисков на фермерские хозяйства.

**Ключевые слова:** сельское хозяйство, риски, управление рисками, производственные риски, риски производительности, рыночные риски, корреляция.

### Кириш

Қишлоқ хўжалиги тармоғининг асосий таянчи ҳисобланган фермер хўжаликларини бозор тамойиллари асосида ривожлантириш аграр соҳасидаги энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Хусусан, фермер хўжаликларини ривожлантиришда хатарларни бошқариш билан боғлиқ масалалар алоҳида ўрин эгаллайди.

Аграр соҳада таркибий ўзгаришларнинг чуқурлашуви, турли мулк шаклларининг юзага келиши, бозор муносабатларини янада ривожланиши қишлоқ хўжалиги корхоналари, шу жумладан, фермер хўжаликларини ўз хўжалик фаолиятида доирасидаги мавжуд хатарларни бошқариш билан боғлиқ масалаларни мустақил равишда ҳал этишга мажбур этди. Бугунги кунда фермерлардан нафақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритишда, балки хўжалик фаолияти билан боғлиқ хатарларни бошқаришда ҳам профессионал кўникмаларга эга бўлишни зарур этмоқда.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришга таъсир этувчи хатарларни бошқаришда аграр соҳада вужудга келадиган хатарларнинг ўзига хос жиҳатларига алоҳида аҳамият қаратилади. Аграр соҳада хатарларни бошқаришга оид илмий адабиётларда фермер хўжаликларида хатарларнинг 5 асосий манбалари ажратиб кўрсатилади. Булар: ишлаб чиқариш (ҳосилдорлик), маркетинг (нарх ёки бозор), институционал, персонал (инсон омили билан боғлиқ) ва молиявий хатарлар ҳисобланиб, улар хўжаликларда ҳосилни тўла ёки қисман йўқотилиши, иқтисодий бой бериш, кўзда тутилган миқдорда даромад ололмаслик ёки молиявий зарар кўриш каби муаммоларни келтириб чиқаради [1, 2, 3].

### Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Жаҳон амалиётида хатарларни баҳолашнинг назарий ва услубий масалалари таникли иқтисодчи олимлар М.Кейнс, Ф.Найт, Й.Шумпетер, Н.Сирополис, Б.Хардакер, Р.Андерсон ва бошқалар томонидан кенг тадқиқ этилган. Жумладан, М.Кейнс ўзининг асарларида ноаниқлик шароитида кредит ва инфляция хатари билан боғлиқ иқтисодий масалаларга алоҳида тўхталиб ўтган [8]. Ф.Найт мукамал ва номукамал рақобат шароитида корхона фойдаси ва ноаниқлик хатари ўртасидаги боғлиқликни тадқиқот этган [9]. Австриялик иқтисодчи олим Й.Шумпетер иқтисодий тизимда хатарларни таснифлаш ва уларни гуруҳлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратган [14]. Н.Сирополис тадбиркорлик хатарини молиявий йўқотишлар эҳтимоли сифатида тушунган ҳамда уларни уч тоифага ажратган ҳолда (соф хатарлар, спекулятив хатарлар ва асосий хатарлар) ўрганган [11]. Б.Хардакер ва бошқалар қишлоқ хўжалигида

хатарларни комплекс таҳлил қилиш, уларни миқдор ва сифат жиҳатидан баҳолашнинг турли усуллари тадқиқ этган бўлса, Р.Андерсон ва бошқалар аграр хатарлар шароитида қарорлар қабул қилишда математик усуллардан фойдаланиш амалиётини ривожлантиришга катта хисса қўшган [1].

Ўзбекистонда хатарларни бошқариш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, фермер хўжаликларини ташкил этишнинг илмий ва назарий асосларини ўрганиш, хатарларни миқдорий ва сифатий баҳолаш масалалари маҳаллий олимлар томонидан кенг тадқиқот этилмоқда. Жумладан, Ш.Зайнутдинов ва бошқалар хатарларни таснифлаш, уларни таҳлил қилиш усуллари ва бошқариш масалалари, А.Абдуллаев фермер хўжаликларини ташкил этишнинг илмий ва назарий асослари, К.Чориев, Н.Хушматовлар фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштириш масалалари бўйича илмий тадқиқот ишларин олиб борганлар.

#### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот методологияси асосини фермер хўжаликларида хатарларни бошқариш соҳасидаги маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий-тадқиқотлар ишлари натижалари ташкил этади. Тадқиқотда Ўзбекистоннинг Наманган вилояти фермер хўжаликларида етиштирилган буғдой ва пахта ҳосилдорлик кўрсаткичларининг йиллар кесимидаги динамик ўзгариши, улар ўртасидаги корреляцион боғланиш жиҳатларини ўрганилган. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш хатарини диверсификация қилиш йўллари тадқиқ этилган.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Агробизнесда фермер хўжаликлари турли таъсир даражасига эга бўлган хатарлар остида фаолият юритиши – бу табиий ҳолат. Бу ҳолат, аввало, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини очик майдонларда бевосита об-ҳаво, табиий-иқлим, тупроқ шароити ва сув таъминотида боғлиқ равишда амалга оширилиши билан изоҳланса, бозор нархларининг ўзгаришига нисбатан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таклифининг ноэластиклиги фермер хўжаликларида бозор ёки нарх билан боғлиқ хатарни келтириб чиқаради. Бундан ташқари ҳосилни пишиб етилган палласида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг кескин тушиб кетиши, йиғим-терим вақтида ишчи кучининг етишмаслиги, энг зарур вақтларда қишлоқ хўжалиги машиналари ва воситаларини ишдан чиқиши ёки ёнилғи-мойлаш маҳсулотларининг танқислиги оқибатида уларни эксплуатация қилиш имконининг чекланиши, чорва ҳайвонларининг турли касалликларга чалиниши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базада кўзда тутилмаган, жиддий ўзгаришлар фермер хўжаликларида хатарларни юзага келишининг асосий манбалари ҳисобланади [4].

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фермер хўжаликлари фаолиятида ишлаб чиқариш (ҳосилдорлик) хатари энг жиддий тўсиқлардан бири ҳисобланади. У қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлик кўрсаткичларининг пасайишига бевосита таъсир этади. Ишлаб чиқариш хатарининг асосий манбалари бўлиб, об-ҳаво ва иқлимнинг ўзгариши, зараркунандалар ва касалликлар, агротехнология, генетика, қишлоқ хўжалиги машиналари самарадорлиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнида фойдаланиладиган саноат ресурсларининг сифати ва бошқалар ҳисобланади.

Фермер хўжаликларида ҳосилдорлик хатари таъсирини минималлаштиришда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш усули алоҳида ўрин тутди. Диверсификация қишлоқ хўжалигида хатарларни минималлаштириш, аграр соҳа ва ҳудудларни барқарорлаштириш воситасидир [5]. Шунинг учун аграр фаолиятда хатарларни диверсификациялашда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ўртасидаги корреляцион боғланишни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Алмашлаб етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ўртасида тесқари алоқадорлик уларнинг номутаносиб корреляцион боғланишини ифода этади.

Фермер хўжаликларида алмашлаб етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг номутаносиб корреляциясига эришиш улар фаолиятини диверсификациялаш имконини беради. Амалиётда турли қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш фермер хўжаликларида хатарларни стратегик бошқаришнинг муҳим йўналиши сифатида қаралади. Экинлар ҳосилдорлиги ўртасида тўғри корреляцион боғланиш, табиий


ҳолатда, фермер хўжаликлари даромадларини оширишга имкон беради. Бироқ, экинлар ҳосилдорлиги ўртасида зич корреляцион боғланиш уларни бир туркумга ҳос хатарлар таъсири хавфи остига кўяди [15].

Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ўртасида корреляцион боғланиш даражаларининг кучсиз ёки тескари (манфий) бўлишига эришиш, уларни бир туркумга ҳос хатарлар таъсиридан минималлаштириш имконини беради.

Фермер хўжаликларида хатарларни баҳолаш борасидаги таҳлиллар алоҳида олинган хўжалик доирасидаги хатарларни тармоқ ёки соҳа хатарларидан тубдан фарқ қилишини кўрсатди. Тадқиқотлар фермер хўжаликларида хатарларни бошқаришда баъзи корреляциялардан фойдаланиш асосида ўз даромадларини ошириш мумкинлигини тасдиқлади. Умуман олганда, фермер хўжаликлари нарх ва ҳосилдорлик ўртасидаги тескари корреляциясидан, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш орқали турли қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва нархларининг номутаносиб корреляцияси асосида ўз даромадларини барқарорлаштиришлари мумкин бўлади [6].

Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ўртасида зич (юқори) корреляцион боғланиш маълум бир экин туридан кўриладиган йўқотишни бошқа бир экин турининг йўқотилиши билан кучли даражада боғланганлигини ифода этади. Масалан, қурғоқчилик бир вақтнинг ўзида маълум бир ҳудуддаги қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатиб, ҳосилнинг камайиши, нобуд бўлиши ёки сифатининг пасайишига олиб келади. Бу ҳолат хатарларнинг тизимлилик хусусиятини ифода этади [7].

Демак, хатар бир вақтнинг ўзида маълум бир ҳудуддаги аксарият фермер хўжаликларида экинлар ҳосилдорлигининг пасайишига таъсир этиб, йилдан-йилга мунтазам равишда такрор юзага келса, у ҳолда бундай хатарлар тизимлашган хатарлар ҳисобланади (1-расм).




**1-расм. Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига таъсир этувчи тизимлашган хатарлар таснифи**

Тизимлашган хатарлар бошқа (масалан, ишлаб чиқариш ва нарх каби) хатарларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Мисол учун, 2010 йилда Россия давлатида рўй берган қурғоқчилик катта ҳудудларда етиштирилаётган донли экинларга жиддий зарар етказди. Мазкур мамлакат дунёда энг йирик дон экспорт қилувчи давлатлардан бири бўлганлиги боис жаҳон бозорида дон нархининг кескин ошишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, Африка ва Осиёдаги кўплаб мамлакатларда озиқ-овқат муаммосининг кучайишига сабаб бўлди [16].

Фермер хўжаликларида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги юқори даражада мусбат корреляцион боғланишга эга бўлса, у ҳолда улар тизимлашган хатарлар таъсирида бўлади.

Статистик кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатдики, ҳосилдорлик хатари маълум бир ҳудудда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига бирдек таъсир этиб, фермер хўжаликларида ҳосилдорлик кўрсаткичларининг турлича бўлишига олиб келади ҳамда экинлар ҳосилдорлиги ўртасида кучсиз корреляцион боғланишни вужудга келтиради. Бирок, нарх хатари бозор конъюнктураси билан боғлиқ бўлиб, мазкур хатар аксарият етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархига бир вақтда таъсир этиши туфайли умумий бозор нархининг юзага келишига ва ўз навбатида зич (мусбат) корреляцион боғланишни келтириб чиқаради.

Наманган вилояти фермер хўжаликларида 2000-2020 йилларда етиштирилган пахта ва буғдой ҳосилдорлиги кўрсаткичлари корреляция таҳлили ушбу экинлар ҳосилдорлиги кўрсаткичлари ўртасида турли даражадаги корреляцион боғланиш мавжудлигини кўрсатди (2-расм).




**2-расм. Наманган вилояти фермер хўжаликларида 2000-2020 йилларда етиштирилган пахта ва буғдой ҳосилдорлиги корреляция коэффициентлари**

Вилоятнинг Мингбулоқ, Чуст, Поп ва Уйчи туманларида ушбу экинлар ҳосилдорлиги кўрсаткичлари тўғри (мусбат) корреляцион боғланишга эга эканлигини ифода этди. Жумладан, корреляция коэффициентининг энг юқори кўрсаткичи Мингбулоқ туманида – 0,73 ни ташкил этиб, бошқа туманларга нисбатан бир мунча зич боғланишга эга. Бу ҳолат ушбу туманларда пахта ва буғдой экинлари жуфтлиги бир туркумга ҳос тизимли хатарлар таъсирида эканлигини ифода этади. Экинлар ҳосилдорлиги ўртасидаги тўғри корреляцион боғланиш фермер хўжаликларида маълум бир мавсумда ҳар икки экин туридан бирдек юқори ҳосил олиш ва даромадларни ошириш имконини берсада, мавсум (масалан, об-ҳаво шароити) оғир келган йилларда улардан бирдек кам ҳосил олиш каби хатарни юзага келтиради.

Жумладан, Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманида 2000-2020 йилларда етиштирилган пахта хомашёси ва буғдой ҳосилдорлиги кўрсаткичлари ўртасида тўғри корреляцион боғланиш мавжудлигини кўрсатди (3-расм). Экинлар ҳосилдорлик кўрсаткичлари таҳлили пахта хомашёси ҳосилдорлиги ўсган (пасайган) йилларда буғдой ҳосилдорлиги ҳам ошганлиги (пасайганлиги)ни акс этди. Айнан бундай ҳолат 2003, 2004, 2008, 2009, 2010, 2014, 2016 йилларда ҳамда сўнгги 3 йилда юзага келиб, ҳосилдорлик хатарининг тизимлашганлик хусусиятини акс эттирмоқда.






**3-расм. Наманган вилояти Мингбулоқ туманида 2000-2020 йилларда етиштирилган пахта ва буғдой ҳосилдорлиги кўрсаткичлари динамикаси**

Вилоятнинг Норин, Тўрақўрғон, Наманган, Косонсой, Учқўрғон ва Чортоқ туманларида ушбу коэффициентлар манфий бўлиб, экинлар ҳосилдорлиги ўртасида тескари корреляцион боғланишни юзага келтирган. Демак, ушбу туманларда фермер хўжаликлари мавсум давомида ҳар икки экин туридан бирдек юқори ҳосил олиш имконияти мавжуд бўлмаган. Чунки пахта ҳосилдорлиги ошганда мавсумда буғдой ҳосилдорлигининг камайиши ёки аксинча ҳолат кузатилади.

Норин туманида 2000-2020 йилларда етиштирилган пахта ва буғдой ҳосилдорлиги кўрсаткичлари динамикаси ҳар иккала экинлар турлари ҳосилдорлиги ўртасида тескари боғланиш нисбатан юқори эканлигини кўрсатди. Жумладан, туманда 2000-2003 йилларда буғдой ҳосилдорлиги ўсган ҳолда пахта ҳосилдорлигининг кескин камайган. Ҳудди шундай ҳолат 2015-2020 йилларда ҳам кузатилган (4-расм).



**4-расм. Наманган вилояти Норин туманида 2000-2020 йилларда етиштирилган пахта ва буғдой ҳосилдорлиги кўрсаткичлари динамикаси**

Ўзбекистонда мазкур қишлоқ хўжалиги экинлари мустақиллик йилларидан бошлаб алмашлаб экиш амалиёти жорий этилган. Гарчи уларнинг вегетация даври йилнинг турли даврларига тўғри келсада, кузги буғдойни экиш ҳамда пахта хомашёси ҳосилини йиғиб олиб жараёнида фермер хўжаликларида маълум бир агротехник зиддиятларни юзага келтириб чиқаради. Шунингдек, ҳудудларнинг табиий-иқлим ва тупроқ шароити ҳамда йиллар давомида табиий, ишлаб чиқариш ва бошқа омиллар ҳосилдорликнинг тебранишига сабаб бўлган.

Корреляция коэффициентлари бошқа туманларга нисбатан кичик бўлган Чортоқ, Уйчи, Учқўрғон, Косонсой ва Наманган туманларида пахта ва буғдой ҳосилдорлиги ўртасида корреляцион боғланиш кучсиз бўлиб, мазкур экинлар ҳосилдорлиги бир-бирига деярли боғлиқ эмаслигини ифода этади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Вилюятнинг нисбатан зич корреляцион боғланишга мансуб бўлган туманларида пахта ва буғдой экинлари жуфтлиги бир туркумга хос хатарлар таъсирида эканлигини эътиборга олиб, ушбу туманлардаги фермер хўжаликларида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг оптимал комбинацияларини танлаш, хўжаликлар фаолиятини диверсификациялаш мақсадга мувофиқ.

Демак, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ўртасида корреляцион боғланишни аниқлаш ва баҳолаш фермер хўжаликларида хатарларни бошқариш стратегиясини белгилашда муҳим ўрин тутади. Фермер хўжаликларида ҳосилдорлик ва даромад ўзгарувчанлигини камайтиришда баъзи корреляциялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бундай боғлиқликни иккита ҳолат билан изоҳлаш мумкин.

1) Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ўртасида тескари корреляцион боғланишга эришиш экинлардан биридаги йўқотишларни бошқасининг мўл ҳосилдорлиги ҳисобига қоплаш ва даромадни мустаҳкамлаш имконини беради.

2) Фермер хўжалигининг ялпи даромади бир неча манбалар ҳисобига ташкил топса, даромадларни барқарорлаштириш учун ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва даромад олишнинг оптимал комбинацияларни танлашнинг ўзи етарли бўлади. Мисол учун, турли экинларни етиштиришдан олинган даромадлар ўртасида корреляцион боғланиш зич бўлмаса, фермерлар ҳосилни диверсификация қилиш ҳисобига ўз хавфининг бир қисмини бошқаришлари мумкин бўлади.

Умуман олганда, фермер хўжаликлари нарх ва даромад ёки даромад ва харажат ўртасидаги тескари корреляцион боғланишидан, шунингдек турли ишлаб чиқариш соҳалари ва фаолият турларидан, шу жумладан асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган бошқа манбалар ўртасидаги номукамал корреляциядан фойдаланиш орқали фермер хўжаликлари ўз даромадларини барқарорлаштиришлари мумкин бўлади.

### **Иқтибослар/Сноски/References**

1. Hardaker J. B., Huirne R. B. M., Anderson J. R. (1997): *Coping with Risk in Agriculture*. Wallingford, CAB International.
2. Boehlje M. D., Trede, L. D. (1977): *Risk Management Agriculture*, *Journal of American Society of Farm Management, Rural Appraisers*, Vol. 41, pp. 20-27;
3. Fleischer B. (1990): *Agricultural Risk Management*, Boulder & London, Lynne Rienner Publishers.
4. David Kahan. *Managing risk in farming*. Food and Agriculture Organization of the United Nations. Rome, 2008. ISBN 978-92-5-107543-2 (print);
5. Coble, K.H., R. Dismukes, and S. Thomas — Policy implications of crop yield and revenue variability at differing levels of disaggregation, paper presented at the annual meeting of the American Agricultural Economics Association, Portland. 2007.
6. Nikolova M., Linkova M. Risk diversification in the agricultural sector in Bulgaria // *Economic Interferences*. Vol. XIII • No. 29 • February 2011. P. 305-320.
7. Kimura, S., J. Antón and C. LeThi (2010-06-18), “Farm Level Analysis of Risk and Risk Management Strategies and Policies: Cross Country Analysis”, *OECD Food, Agriculture and Fisheries Papers*, No. 26, OECD Publishing, Paris. <http://dx.doi.org/10.1787/5kmd6b5r15kd-en>
8. Кейнс Дж. М. *Общая теория занятости, процента и денег*. – М.: Экономика, 1948. – стр. 136-137.
9. Найт Ф. *Риск, неопределенность и прибыль* / Пер. с англ. – М.: Дело, 2003. – 360 с. [Книга]. - Москва : Дело, 2003.

10. Зайнутдинов Ш. Н. и Шермухамедов А. Т. Риск менеджмента. – Т.: Иқтисод-молия, 2007.
11. Сирополис Н. Управление малым бизнесом. – М.: Дело, 1997. - стр. 613-617.
12. Тэпман Л. Н. Риски в экономике / ред. Швандара В.А.. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002.
13. Чориев Қ.А., Хушматов Н.С. Дехқон ва фермер хўжалигилари фаолиятини режалаштириш. – Т.: Шарқ, 2002.
14. Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1982.
15. Баймирзаев Д.Н. Особенности количественной оценки рисков в деятельности фермерских хозяйств // Экономика и предпринимательство. 5(118), 2020. Стр. 779-785. doi: 10.34925/eip.2020.118.5.159
16. Интернет манба: <https://smfanton.ru/nuzhno-znat/investicionnye-riski.html> (мурожаат санаси 01.12.2019.)



ISSN 2181-9491

Doi Journal 10.26739/2181-9491

**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР**  
**4 ЖИЛД, 4 СОН**

---

**ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ**  
**ТОМ 4, НОМЕР 4**

---

**INNOVATIONS IN ECONOMY**  
**VOLUME 4, ISSUE 4**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000